



## ИНФОРМАТИКАНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МЕДИАСАВОДХОНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Абдуқодирова Патмахон Турсунбоевна<sup>1</sup>  
Эргашова Нафиса Музаффар қизи<sup>2</sup>

<sup>1</sup>АндДУ Педагогика институти Информатика ва аниқ  
фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

<sup>2</sup>АндДУ Педагогика институти Информатика ва аниқ  
фанлар кафедраси магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6657648>

### ARTICLE INFO

Received: 28<sup>th</sup> May 2022  
Accepted: 02<sup>nd</sup> June 2022  
Online: 05<sup>th</sup> June 2022

### KEY WORDS

информатика,  
медиа таълим,  
медиа технология,  
медиа саводхонлик,  
компьютер, ахборот,  
дарс.

Республикада бугунги кунда рақамли технологиялар, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф информатика ва ахборот технологиялари дарслариданоқ амалга оширилмоқда, шу сабабли информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда медиатеchnологияларнинг қўлланиши таълим сифатини оширишнинг таянч омилларидан бирига айланиб бормоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида — Ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг мукамал таълим олишини таъминлаш ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор вазифаси этиб белгиланган [1]. Бу эса замонавий медиатеchnологиялардан фойдаланган

### ABSTRACT

Мақолада дарсларни медиатеchnологиялар асосида ташкил этиш ва ўқувчиларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш ҳақида баён қилинган. Шу билан бирга медиасаводхонликтушунчаси ва унинг мақсади тўғрисида маълумотлар келтирилган.

ҳолда ўқувчининг таянч ахборот компетентлигини шакллантириш, алгоритмик компетенциясини ривожлантириш, виртуал оламда ўзини эркин ҳис қилиши ҳамда ахборотларни излаш, саралаш, тарқатиш учун керакли билимлар билан қуроллантириш вазифасини белгилаб беради. Таълимда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, глобал ахборотлашув шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ўқувчиларда медиамаданиятни ривожлантириш бўйича тадқиқот ишлари ўзимизнинг педогог олимлар А.Абдуқодиров, Н.Тайлақов, Б.Болтаев, Д.Абдуазимова, Ф.М.Кучукбаев, Р.Х.Джураев, М.Диванова, У.Бегимқулов, С.Бабаджонов, О.Давлатов, Ф.Закирова, Н.Рустамова ва бошқалар томонидан амалга оширилган.



Бугун юртимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ўрни тобора ортиб бормоқда. Инсон ҳаётининг деярли барча соҳаларини медиасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ахборот билан ишлаш, тарқатиш, тасарруф қилиш ва узатиш кўникмалари замонавий шахснинг медиакомпетентлиги ва медиамаданияти даражасини белгилаб бермоқда. [2]

Халқни ахборот билан тезкор, сифатли, тўлиқ хабардор қилиш - газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение ва радио эшиттиришлар, хужжатли кино, электрон ахборот тизими бир сўз билан айтганда оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифасидир.

Медиасаводхонлик - одамларга турли хил оммавий ахборот воситалари, жанрлар ва шаклларда бўлган хабарларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва яратиш имкониятини берадиган кўникма ва қобилиятларнинг тўпламидир.

Медиасаводхонликнинг мақсади - оммавий ахборот истеъмолини фаол ва танқидий жараёнга айлантириш, одамларга ахборот орқали потенциал манипуляциялар мавжудлигини яхшироқ тушунишда ёрдам бериш (айниқса реклама ва PR да), шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик, ҳамкорликдаги оммавий ахборот воситалари бўйича ҳақиқий фикрларни шакллантиришдаги ролини тушунишда ёрдам бериш ҳисобланади.

Медиасаводхонлик ҳамда медиакомпетентлик - медиатаълим натижасидир. [3]

Россия педагогик энциклопедиясида “медиатаълим” тушунчаси шундай таърифланади: медиатаълим – педагогиканинг аудиторияни оммавий ахборот воситалари (матбуот, телевидения, радио, кино, видео ва б.) нинг қонуниятларини ўргатувчи йўналиши ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари: замонавий ахборот шароитида янги авлодни турли ахборотларни қабул қилиш, уни тушуниш, унинг инсон руҳиятига таъсирини англаш, техник воситалар ёрдамида новербал шаклда мулоқотни ташкил этиш усулларини ўргатишдан иборат. [4]

Медиакомпетентлик – шахснинг шахсий ёки касбий қизиқиш, эҳтиёж ҳамда мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда медиа орқали тарқатилаётган ахборотлар билан танишиш, уларни танлаш, саралаш, таҳлил қилиш ва баҳолашга оид пухта билимлар негизида кўникма, малакаларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг амалий фаолиятда самарали қўллаш қобилияти. [2]

Технология [юн. techne – санъат, ҳунар, фан + logos – тушунча, таълимот]: Ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш усуллари ва воситалари ҳақидаги билимлар тўплами.

Ахборот технологияси: Ахборотни яратиш, йиғиш, узатиш, қидириш, қайта ишлаш ва тарқатиш учун ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларидан фойдаланишнинг усул ва услублари тизими. Ахборот қоғозда ёки электрон форматда ифодаланиши мумкин.

Медиатехнологиялар - бу интерактив ўқув жараёнининг ягона назорати остида визуал ва аудио эффектларни, турли вазиятларни



мультипрограммалашни ўз ичига олган электрон ҳужжатларни тайёрлаш усули. [5]

Кенг маънода олиб қаралганда, медиатеchnологиялар бу қонуний асосда медиа, ахборот билан самарали ва унумли ишлаш мақсадида компьютер ҳамда телекоммуникация воситаларидан ахборот алмашув жараёнларини амалга ошириш учун фойдаланишни назарда тутади.

Бугунга келиб замонавий кадрлар тайёрлашга янада юқори талаблар қўйилмоқда, ахборот ҳажми ўсиб бормоқда, шу сабабли кўпинча уни узатиш, сақлаш ва қайта ишлашнинг мунтазам усуллари ўз самарасини йўқотиб боради. Шунингдек, медиатеchnологиялардан фойдаланиш ўқув воситаси сифатида компьютернинг мислсиз имкониятларини очиб беради. Ахборотлашган жамиятни яратиш ва ривожлантириш таълим соҳасида медиатеchnологиялардан кенг фойдаланиш билан бир қаторда бир қанча омилларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

1) Таълим жараёнига медиатеchnологияларни жорий этиш инсониятнинг тўпланган технологик ва ижтимоий тажрибасини нафақат авлоддан авлодга, балки бир кишидан бошқасига ҳам билим ва узатишни ҳам тезлаштиради.

2) Замонавий медиамаҳсулотлар ўқитиш ва таълим сифатини ошириб, инсонга атроф муҳитга ва давом этаётган ижтимоий ўзгаришларга янада муваффақиятли ва тезроқ мослашишига имкон беради.

3) Медиатеchnологияларни таълимга фаол ва самарали татбиқ этиш таълим стандартлари талабларига жавоб

берадиган таълим тизимини ва замонавий саноат жамияти талаблари асосида мавжуд таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнини яратишда муҳим омил ҳисобланади.

Медиатеchnологияларидан ўқув жараёнида фойдаланиш замонавий мактаб таълимнинг долзарб масаласидир. Бугунги кунда ҳар қандай мактаб талабларида ўқитувчи медиаресурслар, медиатеchnикадан фойдаланган ҳолда

дарс тайёрлай олиши ва дарс ташкил эта олиши зарур. Таълим жараёнида медиатеchnологиялардан фойдаланиш ўқувчи шахсини шакллантириш учун қулай шароит яратади ва замонавий жамият эҳтиёжларига жавоб беради.

Медиамаданиятга кириш нафақат медиасаводхонлигини эгаллаш, балки ахлоқий, эстетик ва интеллектуал сезгирлик соҳиби бўлишга ҳам сабаб бўлади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш замонавий таълимнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу таълим муассасаларининг илм-фанни талаб қиладиган базасини ривожлантириш, ўқувчиларга таълим берувчи ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларни энг янги ўқитиш тизимларига мослаштириш билан боғлиқ. Ўқитишнинг принципиал янги воситаси ва билишнинг кучли воситаси бўлган медиатеchnологияларидан фойдаланиш таълим усуллари, ташкилий шакллари ва методикасини ривожлантириш ҳамда сифат жиҳатидан такомиллаштиришни талаб қилади.

Ўқувчини маълумот билан ишлашга, мустақил таълим ҳамда ахборотни ўзлаштиришга ўргатиш замонавий мактабнинг муҳим вазифасидир.



Бугунги кунда таълим сифатини оширишда медиатехнологияларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Ўқувчиларда фанга доир билимларни ўрганиш учун мотивацияни, ўқувчилар фаоллигини, дарснинг самарадорлигини оширишда, дарс ўтиш усулларини такомиллаштиришда, ўқитиш ва таълим натижаларини ўз вақтида кузатиб боришда, ишни режалаштириш ва тартибга солишда, ўз-ўзини тарбиялашда, дарсни самарали ва қисқа вақт ичида тайёрлашда медиатехнологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб айта оламиз.

Медиатехнологиялар илғор педагогик технологиялар билан биргаликда шахсга йўналтирилган ёндашув ва муаммоли технологиялар, дастурлаштирилган ва лойиҳалаштирилган таълим билан биргаликда қўлланилганда жуда яхши натижа бериши мумкин.

Инсониятга медиатехнологияларнинг таъсири кун сайин ўсиб бормоқда. Янги маълумотларнинг катта оқими, рекламалар, телевизор, компьютер технологияларидан фойдаланиш, ўйин приставкалари, электрон ўйинчоқлар ҳамда ноутбуклар, интернет орқали ахборотни тарқатилиши бола тарбияси ва

унинг атрофидаги дунёни идрок этишига катта эътибор беради. Илгари ўқувчи дарслик, ўқув қўлланмалар, ўқитувчининг маърузаси ва дарснинг қисқача мазмуни каби йўллар орқали ҳар қандай мавзу бўйича маълумот олиши мумкин эди. Аммо бугунги кунда бу йўллар анчагина ўз аҳамиятини йўқота бошлади, ўқувчида ахборот

олиш каналлари кўпайиб, ахборот мўл-кўллиги юзага келди.

Дунё олимлари медиа атамаси борасида аниқ бир тўхтамга келмаган бўлиб, ахборотлашув жараёнда медианинг назарий асослари мавжудми ёки йўқлиги ҳақида мунозарали қарашлар етарлича. Аммо, ҳар қандай педагогик фаолиятнинг назарий асослари мавжудлигини инобатга олганда, медиа ҳамда

унга асосланган таълимнинг назарий-методологик негизи борлиги ҳақидаги фикрга қўшиламмиз. Бу борада А.В.Шариков - бугунги кунда медиатаълим бўйича ўндан ортиқ концепциялар яратилган бўлса-да, унинг турли йўналишдаги педагогик тажриба тўпланмасини яхлит ҳолга келтирувчи ягона назарияси мавжуд эмас - деб таъкилайди [6].

Оксфорд энциклопедиясида эса, - Медиатаълим медиани ўрганишдир. Медиатаълим яратилаётган ва тарқатилаётган медиаматнлар билан боғланган бўлиб, таълим оловчиларда медиаматнларнинг мазмун-моҳиятига изоҳ ва баҳо бериш учун таҳлил қила олиш қобилиятини шакллантиради. Медиани ўрганиш, одатда, амалий тарзда, яъни медиаматнлар яратиш билан боғлиқ амалга оширилади.

Ф.А.Ҳамроевнинг фикрича, таълим жараёнида самарали фаолият олиб бориш учун зарур бўлган илмий-методик таъминотни яратишда медиатехнологиялар инновацион ахборот манбаи бўла олади. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб таълим сифатини ошириш ва кўзланган мақсадга эришишда медиа, яъни



Интернет, телевидение, радио, кино, видео ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш самарали эканлиги ўз исботини топмоқда. Медианинг таълимда пайдо бўлиши узлуксиз таълим жараёнини визуал материаллар билан бойитиш, машғулотларнинг сифатли ўтилиши ва таълим олувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Медиатеологиялар хусусиятига кўра аудиовизуал технологиялар, мультимедиа технологиялари, гиперматнли технологиялар, холографик технологиялар интеграциялашган мураккаб технологик тузилмаларни ташкил этади [7].

Айни вақтда фан ва технологияларнинг тараққий этиши натижасида замонавий дарсни кўргазмалилик, кўрсатмалилик тамойилларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Аmmo ҳар бир ўқитувчининг амалий фаолиятида кўп сонли бепул электрон таълим манбаларига эга бўлишига қарамай, тайёр ресурс ҳар доим ҳам ўйланган маълумотни акс эттирмайдиган вазиятлар юзага келади. Масалан, ўқитувчининг шу ўтилиши керак бўлган мавзуга оид шахсий ғояси бўлиши мумкин ҳамда уни амалга ошириш учун олдиндан ишлаб чиқилган техник ва дастурий таъминот, ресурс мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда, албатта, бундай электрон таълум ресурсини мустақил равишда яратиш зарур бўлади ҳамда ўқитувчидан уни яратиш кўникмалари талаб қилинади.

Информатика ва ахборот технологиялари кўп сабабларга кўра фавқулодда ноодатий фан ҳисобланади.

Чунки бу фанни ўқитишда ўқув дастуридаги энг янги, энг истиқболли, энг динамик ва бошқа ўта қизиқ ва янги технология ҳамда материаллардан фойдаланиш керак. Шунингдек, дарс учун ўқитувчи ва ўқувчи ихтиёрида бўлган компьютер технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш учун фаннинг ўқув қўлланмалари ҳам ғайриоддий бўлиши керак.

Информатика ва ахборот технологиялари дарсларини олиб бориш жараёнида оддий дарсликлар билан бир қаторда ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам ўз ихтиёридаги ёрқин ва ранг-баранг тақдимотлардан фойдаланишлари, ўқувчиларга ҳиссий таъсир ўтказиш, уларни қизиқтириш, тасаввурларини уйғотиш учун мўлжалланган слайд-фильмларга эга бўлиш зарурати мавжуд. Синфда тақдимот материаллари ва слайд фильмларидан фойдаланишда компьютер имкониятларини максимал даражада ошириш, ўрганиш мотивациясини ривожлантириш ҳамда анъанавий воситаларни унутиш имконини беради. Ушбу жараён ҳам ўқувчи, ҳам ўқитувчи учун ўқув жараёнини ижодий-креатив муҳитга айлантиради [8].

Бугунги кунда компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда презентация ва слайдларни яратишда энг кенг тарқалган дастур Power Point ҳисобланади. Мазкур дастур матнли ҳужжатлар, жадваллар, график маълумотлар, иллюстрацияларни керакли шаклда тақдим этиш учун катта имкониятлар яратади. Дастурнинг асосий хусусиятлари мавжуд маълумотлар



ва ишлаб чиқилган ҳужжатларни намоиш этишни назарда тутди. Презентациялар ва слайд-фильмлардан фойдаланишнинг асосий мақсади назарий материалларни иллюстрациялар, диаграммалар, жадваллар билан намоиш қилишда керакли самарага эришишдир. Улар ўқитувчига дарсда янги материални тушунтиришда уни иложи борича аниқ ва ишончли тарзда бажариш, дарсни янада фаол равишда ўтказиш, ўқитувчи ва ўқувчига вақтни тежаш имконини беради. Шу сабабли ўқитувчилар электрон қўлланмаларни, слайд-фильмларни яратиш учун Power Pointдан кенг фойдаландилар, уларнинг намоиши янги материални тушунтириш билан бирга олиб бордилар. Бундай электрон қўлланмалар ўқитувчига анъанавий доска ва бўр каби воситаларсиз ишлашга имкон беради [9]. Шунингдек, ўқувчилар учун тўғридан-тўғри кўз олдида, экранда диаграммалар, формулалар, жадваллар, иллюстрациялар ва бошқалар бўлиши жуда қулай. Яна Power Point дарсни осон бошқариш имконини ҳам беради. Электрон қўлланманинг таркибидаги

слайддан мос келадиган слайдларга ва яна таркибга қайтарилган гиперҳаволалар ўқитувчига бундай қўлланмани нафақат тушунтириш, балки, ўқувчилар амалий ишларни бажаришда ҳам ишлатишга замин яратади.

Ўзбекистон шароитида таълимни ахборотлаштириш, таълим жараёнига информатика ва ахборот технологияларини жорий этиш борасида сезиларли ишлар олиб борилганлигига қарамай, ўқитиш жараёнида медиатехнологияларни қўллаш борасида олиб борилган ишларни ривожлантириш ва такомиллаштириш зарур.

Медиатехнологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этилган дарслар кўرғазмали, ранг-баранг, маълумот берувчи, интерфаол бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчи вақтини тежайди, ўқувчининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ишлашга имкон беради, ўқитувчига ўқувчи билан дифференциал ва индивидуал равишда ишлашга шароит яратади, шунингдек, бу ўқув фаолияти натижаларини кузатиб бориш ва баҳолаш вақтини ҳам тезлаштиради.

## References:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Фармони. ҚММВ: 06/22/60/0082 son. 29.01.2022.
- 2.Рустамова Н.Р. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари медиамаданиятини ривожлантириш технологияси (7-9-синфлар мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (doctor of philosophy) диссертацияси.-Тошкент, 2019.
3. Медиаграмотность. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Медиаграмотность>.
4. Российская педагогическая энциклопедия. – М.: Наука, 1993. – С. 555.
5. Бирюкова Елена Сергеевна. Медиатехнологии в процессе обучения детей с расстройствами аутистического спектра и выраженными нарушениями интеллекта. [https://autism-frc.ru/ckeditor\\_assets/attachments/773/08\\_biryukova.pdf](https://autism-frc.ru/ckeditor_assets/attachments/773/08_biryukova.pdf)



6. Шариков А.В. Так что же такое медиаобразование? // Медиаобразование. 2005. № 2. – С. 77
7. Ҳамроева Ф.А. Олий таълим муассасаларида табиий географик фанларни ўқитиш методикасини медиатеchnологиялар асосида такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент, 2020.
8. Иванова А.Ю. Практическое моделирование. Компьютерный эксперимент. Методические указания для преподавателя: Учеб. пособие. - Томск: Том. гос. ун-т систем управления и радиоэлектроники, 2005.
9. Балакина В.П. Использование программы Power Point в работе учителя информатики. Материалы XIX международной конференции «Применение новых технологий в образовании» 26 –27 июня 2008 г.